



ЖАМИЯТ

№ 49 (683)
2019 йил
13 декабрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг жорий йилда қўтилаётган натижаларини кўриб чиқиш ва 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш вазифаларини белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Тадбирда йил якунигача қолган қисқа вақтда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама этилди. Хусусан, тармоқ корхоналарида мавжуд захираларни сафарбар қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, нефть-газ, электр энергетикаси, кимё sanoati ва бошқа йирик корхоналарнинг солиқ қарздорлигини бартараф этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Давлатимиз раҳбари 31 та лойиҳа бўйича қолоқликка йўл қўйилгани, 8 та ҳудудий лойиҳа самарасиз деб топилганини кўрсатиб ўтди.

Йиғилишда иқтисодиётда 2020 йил учун белгиланган асосий режаларни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Келгуси йилда ялпи ички маҳсулот 5,5, sanoat 6,5, қишлоқ ҳўжалиги 4 ва хизматлар 5,7 фоизга ўсиши прогноз қилинган.

Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкка ушбу кўрсаткичларга эришишда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ҳозирдан тўғри баҳолаб, барча идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ ҳўжалигида катта резервлар борлиги, бу соҳа орқали тўқимачилик, озиқ-овқат ва чарм-пойабзал sanoati, қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш мумкинлигини таъкидлади. Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегия-

си доирасида келгуси йили амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

Sanoat тармоқлари, энг аввало, металлургия, нефть-газ ва кўмир қазиб олиш, кимё, қурилиш материаллари, автомобилсозлик sanoatини барқарор ривожлантириш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодиёт ва sanoat вазирлигига иқтисодиёт тармоқларини кафолатланган ресурслар билан таъминлаб, кейинги йилда уларнинг барқарор ишлашига замин яратиш вазифаси қўйилди.

Жаҳонда рўй бераётган турли иқтисодий зиддиятлар таъсирига эътибор қаратилар экан, келгуси йил мураккаб ва синов йили бўлиши таъкидланди. Зарур чоралар кўриб, маҳсулот ва хизматлар экспортининг жорий йилгига нисбатан камида 20 фоизга ўсишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг асоссиз ўсиб кетишининг олдини олиш, бунинг учун маҳсулот етиштирилишидан қайта ишланиб, бозорда сотилгунча бўлган жараённи тўлиқ қамраб олган ҳолда назорат қилиш бўйича масъуллар белгиланди.

Режалаштирилган 201 та муҳим инвестиция лойиҳасини ўз вақтида ишга тушириш, шунингдек, 2020-2022 йиллар учун мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, янги кичик бизнес субъектлари ташкил этиш орқали келгуси йили 400 мингга яқин иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга шу бордаги ишларни тизимли ташкил этиб, белгиланган режаларни сифатли бажариш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича ҳисоботлар тингланди, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

О'zLiDeP:

Суд ҳоқимиятига ишончни мустаҳкамлаймиз!



«Нон кам бўлса, ҳамманинг егиси келади!»

Чинакам жамият кўзгуси

Атмосфера мусаффолиги — ҳаёт-мамот масаласи



Юк кўтарган юзага чиқади

ҚИСКА САТРЛАРДА ҲҚИНГ!

12 декабрь куни соат 09-00 дан сайловларга муддатидан олдин овоз бериш жараёни бошланди. Бу жараён 18 декабрь соат 18-00 га қадар давом этади.

Чинакам жамият кўзгуси

Халқимизнинг байрамлари, тўй-томошаю сайллари кўп. Булар орасида биз учун энг улуғи, шубҳасиз, Мустақиллик. Бу, албатта, юртга озодликни туҳфа қилди, эркин бахш этди. Конституция қабул қилинган сана эса мана шу эркин ва озод халқнинг одамлар ва дунё халқлари орасидаги ҳуқуқий пойдеворини, асосини вужудга келтирди. Шунинг учун ҳам бу кунни биз Истиқлол байрамидек кўтариш билан нишонлаймиз.

Шу кунларда юртимиз бўйлаб кезиб юрган байрам шодиёналарининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу санада давлатимиз раҳбари халқимизга ўзгача муурожаат қилади. Йил давомида эришилган ютуқлар, дунё миқёсида мамлакатнинг тутган ўрни, камчиликларни бартараф этиш, шу билан бирга келажак режалар баён этилади. Ҳар бир соҳага алоҳида-алоҳида эътироф, таъриф берилади...

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро форумлар саройида бўлиб ўтган байрамда Президентимизнинг фикрлари ҳам юртимиз аҳлини беҳад суюнтирди. Байрамда таъкидланганидек, ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси — Асосий Қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳаммадан Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгиллаган юксак марралардан ҳеч қачон оғинмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Чунки Конституция башариёт ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуққа-



рини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди.

Дарҳақиқат, қонун устуворлиги — бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир. Шу боисдан ҳам барча бугиндаги қарорлар, у ҳоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишимиз зарур.

Шу йилнинг ўзидаёқ 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармони ва қарорлари қабул қилинди. Бу меъриё-ҳуқуқий ҳужжатлар ким учун ва нима мақсадида қабул қилинмоқда? Албатта, халқ фаровонлиги йўлида...

Қатор соҳалар баробарида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситаларига ҳам эътибор бердики, шу соҳа вакили си-

фатлида бунни айтиб ўтишимиз зарур:

— «Оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришида чинакам «жамият кўзгуси» га айлиниши керак.

Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч — бу мустақил ва холис оммавий ахборот воситалари вакиллари дур.

Демократик ислохотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишлари қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундамоқда.

Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади.

Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилиши ўрганиши керак.

Маълумки, бугунги кунда аънавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришида катта роль ўйнамоқда.

Давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кучайтириш мақсадида биз фуқароларининг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда тўлиқ таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи гада оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунийликни такомиллаштириш керак ва биз бу борада фаол иш олиб бормоқдамиз.

Шу муносабат билан жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадага, яъни халқимизни рози қилиши ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимизни истардим.

Ҳар бир давлат органи ижтимоий тар-

моқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар кунни батафсил маълумот бериб бориши шарт.

Яна бир марта таъкоррайман, Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди. — деди Президентимиз.

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда урчиган раҳбарлар ва журналистлар ўртасидаги кўнгилсиз воқеалар, айрим кўшпирноқ ичидаги журналистларнинг «айтадиган вақт келди», деган ўй билан кўнглига келганини оммага ҳавола этилган давлатимиз раҳбарининг нигоҳидан четда қолди деб ўйлайсизми? Йўқ, албатта. Агар шундай бўлганида Президентимиз бу юн бу гапларни айтиб ўтирмаган бўларди. Чунки шундоғам соҳага доир қонунчиликда батафсил тушунчалар берилган. Шундай экан, халқ олдида уятга қолиш ҳеч бир раҳбарнинг, раҳбарлар олдида уятга қолиш ҳеч бир қалам аҳлининг бошига тушмасин!

Лавозимдагилар қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунмас, англаб етмас, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмас, ислохотларимизнинг олдинга юриши, одамларда ташаббус уйғотиш қийин бўлади. Бундай вазиятда уларга ойна тутиб, аскини кўрсатиш нафақат журналист, балки жамиятнинг ҳар бир аъзосининг бурчи. Шундангина фаолияти давомига назаридан четда қолиб қетаётган ёки бўлмаса, кўл остидагилари яшираётган масалалар раҳбарга намоеъ бўлади. Шундангина жамиятда янада тезкор юксалиш бўлади. Чунки бу давр барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар амалиётида бўлган. Вақти келиб, барчаси ўз ҳақ-ҳуқуқини англагани сари изга тушиб бораверган.

Биз ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий ҳимояси кафолатланган, меҳнати қадр топган жамиятнинг фуқароларимиз. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ОАВ соҳасига ҳам жуда катта эътибор қаратаётгани, эркинлик яратиб бераётгани ҳар бир қаламқашда қониқиш, миннатдорлик ҳиссини мустаҳкамламоқда. Ва ўйлаймизки, бу қаламлар фақат ҳақиқатларни ёзиб, халқимиз фаровонлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ

17 декабрь — Огаҳий таваллуд топган кун

«Йўқлик либосидан холи...»

ниқти шоирлари эди.

Валилик даражасига етган азизлардан бири омонатини топшириш олдида фарзандларию шогирдларига: «Қачонки дунёдан ўтсам, мени ёдламоқни ва қабрим тепасига бормоқни ихтиёр этсангиз, аввало, устозим қабрини зиёрат қилиб, сўнгра менинг зиёратимга азм этинг», дея васият қилган экан.

Бу сўзларда катта маъно, катта ҳикмат бор. Зеро, Огаҳийнинг хотирасини ёд айлаб, у зотга эҳтиром кўрсатар эканмиз, даставвал, унинг устози Шермуҳаммад Авазбий мироб ўглини, яъни Мунис Хоразмийни тилга олишимиз шарт.

Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда алаб-ёти ўзига касб эмас, ҳунар деб билганларнинг асарлари



яшаб қолган бўлса ажаб эмас. Мана шундай саодат Огаҳийга ҳам насиб этди. У ўз қитъаларидан бирида шундай ёзди:

*Кимчи неча иморат қилса бунёд,
Ва ёхуд ҳаддин афзун қўйса авлод,
Тутуб бўлмас бирисидин бақо кўз,
Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз.*

Огаҳий таърифлаганидек, сонсиз фарзанд дўратган (дунёга келтирган), хешу ақраболарни кўпайтирган, қатор-қатор иморатлар бунёд этган билан қачонки, элга нафи тегмасе, улар орқали мангуликдан хомтама бўлиш

ўринсиз. Зеро, иморатлар даврлар ўтиб, кунпая-кун бўлади, авлодларинг ҳам бир кунги номингни унутиши шубҳасиз. Лекин яхши сўз билан жаҳонда боқий яшаб қолиш муқаррар.

Дарҳақиқат, сўзлаш деярли барчага насиб этган, аммо сўз айтиш истеълоди ҳаммага ҳам берилмайди. Огаҳий асарларининг неча даврлар ўтиб, давронлар айлибди, ўз сўзи билан айтганда: «замон ҳаводисининг офати зарари»га дош бериб, даврон инқилоби губорларидан эсон-омон қолиб, яшаб келаётганлигининг боиси сўз мартабасини баланд тутиб, унинг елкасига эзгуликка хизмат этувчи маъни ортанидир.



барпо этилганини эсатлаган ҳолда, шоирнинг қўли теккан ниҳол ҳам асарларни кечиб ўтаётганида бир ҳикмат борлигини таъкидлашни лозим топдик.

Отабек ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уйшмасы аъзоси



Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилди.

Умумий, тенг, эркин, яширин ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқининг ривожланиши

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифалар ижроси ўлароқ, 2019 йил мамлакатимиз тарихида илк бор сайлов билан боғлиқ барча ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига қамраб олган яхлит қонун ҳужжати – Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида сайловга доир 5 та қонун ва Марказий сайлов комиссиясининг 40 га яқин қонуности ҳужжатлари, сайловга доир 10 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, 50 дан ортиқ хорижий давлатнинг сайлов қонунчилиги таҳлил қилинди. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Венеция комиссиясининг қуйидаги 10 та тавсияси Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига киритилди. Кенг жамоатчилик муҳокамаси ва халқаро ташкилотлар экспертизасидан ўтказилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Фуқароларнинг умумий сайлов ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида 1997 йил декабрда қабул қилинган қонун билан «судланганлиги қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар» депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмаслигига оид норма «қасдан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар»га, 2008 йил декабрда ушбу норма «содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар»га ўзгартирилди. Буларнинг барчаси сайлов ҳуқуқининг умумийлигини таъминлашга, ҳар қандай жиноятга эмас, балки жиддий, оғир ҳуқуқбузарликлар учунгина сайланиш ҳуқуқи чекланиши мумкинлигини мустаҳкамлади.

2019 йил 25 июнда қабул қилинган Сайлов кодексидан номзодларни қўллаб-қувватловчи имзоларга нисбатан оқилона талаблар белгиланганди.

Кодекснинг 5-моддасида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топиладиган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди, деб белгилаб қўйилди. Бу билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларда сайловда иштирок этиш, яъни сайлаш ҳуқуқи вужудга келди. Бу эса озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов уастаклари тузилиши мумкинлигини Кодекснинг 10, 27-моддаларида мустаҳкамлаш имконини берди.

Имконияти чекланган шахсларнинг сайловга оид конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида Кодекснинг 31-моддасида сайлов бюллетенлари Брайль алифбоси асосида тайёрланиши мумкинлиги, 49-моддасида жисмоний имконияти чекланган шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақаллий давлат ҳокимияти органларининг зиммасига юклатилиши, 50-моддасида овоз бериш хоналари ёруғ ва кенг бўлиши, алоҳида кириш ва чиқиш жойи бўлиши, шунингдек, уларда жисмоний имконияти чекланган шахслар учун нишаб йўлкалар назарда тутилган бўлиши лозимлиги қайд

этилди.

Фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқини таъминлаш мақсадида 2003 йилда маҳаллий Кенгашларнинг, 2019 йилда Экологик ҳаракат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинди, натижада сиёсий партияларга давлат ҳокимияти вакиллик органларига сиёсий майдонда партияларнинг янада ўзини намоён қилишига, кўппартиявийликни ва партиялараро рақобатни ривожлантиришга, парламентда кўпроқ ўрин олишига тенг имконият яратилди.

2004 йилда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганда хотин-қизлар учун ўттиз физик квота белгиланди.

Кодексда тенг сайлов ҳуқуқини таъминлаш механизмлари янада кенг таъминланиб, сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириг куннинг эртасидан эътиборан бошланиши қайд этилди. Аввалги қонунларда сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланиши белгиланган эди. Бу турли номзодлар ҳар хил вақтларда, кимдир аввалроқ, кимдир кейинроқ ташвиқот бошлашига олиб келар эди.

Сайловларнинг шаффофлиги ва очиқлигини, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи эркинлиги, овоз беришнинг яширинлигини таъминлаш – сайловга оид халқаро стандартларнинг энг муҳим принципларидан ҳисобланади.

Парламентлараро Иттифоқ маълумотларига кўра, дунёнинг 189 та давлатидан 158 тасида овоз бериш эркин ҳисобланади.

Партиялар сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда аввалги қонунлар бўйича фақат биттадан кузатувчи бериши мумкин бўлган бўлса, Сайлов кодексидан биттадан бўлишга оид чеклов чиқариб ташланди. Бу ҳам очиқлик, ошкораликни, жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади.

Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очиқ ва ошкора амалга ошириши, сайлов комиссиясининг мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Кодексда фуқаролик жамияти институтларига берилган имкониятлар жамоатчилик назорати ва иштироки билан боғлиқ. Авваллари маҳалладан кузатувчилар фақат халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловидагина иштирок этиши назарда тутилган эди. Эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар барча сайловларда қатнашиши мумкинлиги қайд этилди. Бу сайловлар устидан фуқаролик кузатувини, шаффофликни таъминлашга, сайлов жараёнига жамоатчилик ишончини оширишга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Кодексда Марказий сайлов комиссияси раиси комиссия мажлисларида иштирок этиш учун жамоат бирлашмаларининг вакиллари ва мансабдор шахсларини таклиф этишига оид қоида ҳам мустаҳкамланди.

Кодексда сайлов жараёнини янада такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асослари қонуниан мустаҳкамланганлигига намоён бўлади. Кодексда Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатидан фойдаланишга оид қоидалар белгиланди. Сайловчилар рўйхатлари Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича ахборот тизими маълумотлари асосида тузилади.

Фуқароларга Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали сайловчилар рўйхатидан ўзларига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти таъминланиши, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари унинг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида эълон қилиниши лозимлиги очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг муҳим кафолатларидан ҳисобланади.

ЕХХТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатининг 7.2-бандига кўра, миллий қонун чиқарувчи органнинг ҳеч бўлмаса бир палатасидаги ҳамма мандатлар умумхалқ сайлови жараёнида номзодлар эркин тортишувининг объекти бўлиши лозим.

Парламентлараро Иттифоқ маълумотларига кўра, 191 та давлатдан 184 тасида парламентнинг қуйи палатаси (парламент) аъзолари тўғридан-тўғри сайланади. Шу маънода Сайлов кодексидagi энг катта янгилликлардан бири бу – Экологик ҳаракатга қўйилган квота чиқариб ташланганда намоён бўлади. Авваллари фуқаролар фақатгина 135 та округдан Қонунчилик палатасига номзодларни сайлаш имкониятга эга бўлган бўлсалар, ҳозирда бу яна 15 тага кўпайиб, 150 тани ташкил этмоқда. Бу фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда имкониятларини янада оширишга, фуқаролар вакилликларини кенгайтиришга, давлат ҳокимиятига таъсирларини оширишга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунги таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида биринчидан, сайловга оид халқаро стандартларда белгиланган демократик тамойил ва талаблар доирасида миллий сайлов тизими ва қонунчилиги шаклланди, иккинчидан, сайлов қонунчилигини мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотларда эришаётган ютуқлари, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий оғи билан уйғун равишда тизимли, босқичма-босқич ривожланмоқда. Ўзбекистон йилдан-йилга сайловга оид халқаро стандартлар талабларини миллий қонунчилигига сингдириб келмоқда ва бу ортқа қайтмас жараёндир.

Хулоса қилиб айтганда, демократия тўхтовсиз жараён бўлиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш талаблари асосида сайлов қонунчилигини такомиллаштириб бориш инсон манфаатига, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали эркин ҳамда ихтиёрий иштирок этиш учун тенг шароитларни кафолатлашга хизмат қилиши муқаррар.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлигининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори

Жараён

Эртамик ишончли қўлларда

Юртимизни ҳали Конституция байрами шодиёналари тарк этгани йўқ. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ушбу сана кўтаринки руҳда нишонланишда давом этмоқда. Чирчиқ шаҳар 10-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳам Асосий Қонунимизнинг 27 йиллиги муносабати билан «Конституция — бош қомусимиз» мавзусида тантанавор кеча ўтказилди.

Бу талбирда бошланғич синф ўқувчилари бошчилигидаги ўқувчилар куй-қўшиқ, расклар билан йиғилганларнинг кайфиятига кўтаринкилик бахш этди.

— Туманимизнинг барча мактабларида байрам шодиёналари ҳукмрон, — дейди ХТБ бошланғич синфлар бўйича услубчи Муҳаббат Вайсова. — Чунки бу байрам халқимизнинг ҳуқуқий эр-

кинчилигини таъминлагани билан аҳамиятлидир. Болажаонларнинг бугунгидай чиқишлари, бундай байрамлар ҳақидаги тушунчалари ошиб бориши эса эртамик ишончли қўлларда эканидан далолат.


Даврон АҲМАД,
«Жамият» мухбири



Сайлов кодексининг 57-моддасига кўра, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Биз судга бўлган ишонч ва ҳурматни юксалтирамиз. Биз учун суд фаолияти ва мустақиллигининг энг муҳим мезони — фуқаролар ва тadbirkорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоялангани, адолатли судлов таъминлангани, яқуний ва барқарор суд қарорларининг қабул қилингандир.

O'zLiDeP: суд ҳокимиятига ишончни мустаҳкамлаймиз!



жалик ишларини кўриб чиқишда адвокатнинг ролини ошириш асосий вазифаларимиздан саналади.
Адвокатура ва юридик хизматлар кўрсатиш институтларини ривожлантириш мақсадида партия қуйидагиларни таклиф этади:
— Адвокатлар палатасининг мус-

аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмларини кучайтириш мақсадида «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунни ва электрон харидлар тизимини такомиллаштириш;
— жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими фаолияти самардорлигини ошириш, уюшган жиноят-

тақиллигини амалда таъминлаш, унинг ҳузурида Адвокатлар академиясини ташкил этиш, адвокат мақомини олиш учун қўйилган стажировка муддати ҳақидаги талабни бекор қилиш, адлия тизимининг адвокатура соҳасига аралашувиغا чек қўйиш;

— адвокатура институти мустақиллиги, адвокатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги шикоятларини кўриб чиқиш ва тегишли баҳо бериш масалаларида парламентнинг роли ва аҳамиятини ошириш. Шу мақсадда Олий Мажлис қўйи палатасида адвокатура институтини мустаҳкамлаш комиссиясини ташкил этиш;

— нодавлат нотариат институти фаолиятини қайта тиклаш, кенг йўлга қўйиш, нотариал ҳаракатларнинг масофадан туриб, интерактив — электрон хизмат кўринишидаги фаолият соҳасини кенгайтириш, нотариусларнинг нодавлат бирлашма шаклидаги ҳамжамиятини тузиш ҳамда Нотариат тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрини ишлаб чиқиш;

— юридик хизмат кўрсатиш соҳасини янада такомиллаштириш, «Шартномавий ҳуқуқий база ва юридик хизмат тўғрисида», «Текин юридик ёрдам тўғрисида»ги қонунларни ҳамда яхлит ҳуқуқий ҳимоя концепциясини ишлаб чиқиш, аҳоли онгида адвокатура ва нотариат институтларининг хизмат кўрсатувчи субъектлар экани тўғрисидаги қарашни шакллантириш, ушбу соҳада хусусий сектор ролини ошириш.

Коррупция устидан галаба қозониш ва «тоза қўллар» сиёсати
Мақсадимиз — коррупция устидан галаба қозониш, мамлакатимизнинг коррупцияни рад этадиган ва бу борада «ноль тоқатлилик»ка эришган давлатлар қаторига киришига эришиш. Бу борада биз қуйидагиларни таклиф этамиз:
— сиёсий арбоблар ва давлат хизматчиларининг маблағлари ва молк-мулклари ҳақидаги маълумотларни очиқлаштириш ва декларация қилишнинг янги тизимини жорий қилиш;
— давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини

чиликка қарши кураш бўйича ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, қонунчиликдаги жазони оғирлаштириш ёки енгилаштиришга оид нормаларни қўллаш жараёнидаги инсон омиллини бартараф этиш;

— раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган, парламентга ҳисобдор, Прокуратура, ИИБ, ДХХдан мустақил фаолият юри-тадиган алоҳида давлат органлари — Коррупцияга қарши кураш ва Тергов департаментларини ташкил этиш;

— парламент палаталаридаги коррупцияга қарши курашини ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмиталарининг ваколат ва функцияларини кучайтириш.

Янги Ўзбекистон — либерал қонунлар, юксак ҳуқуқий маданиятга эга фуқаролар мамлаката

Биз маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал ва ҳўжалик қонунчилигини янада эркинлаштириш, айрим жинойи ҳаракатларни криминаллаштиришдан холи қилиш, тadbirkорлик субъектлари жавобгарлигини либераллаштириш, жинойи жазолар ва улар ижросини инсонпарварлаштириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги таҳрини ишлаб чиқиш, ювеналь юстицияни ривожлантириш, мулкчилик тўғрисидаги қонунчиликни тубдан такомиллаштириш, дунёда тан олинган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, ҳўжалик юритувчи субъектлар



ҳуқуқий мақомлари, аутсорсинг механизмини жорий этиш каби илгор тажрибаларни қонунчилигимизга имплементация қилишни таклиф этамиз.

Фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари ва онгини юксалтириш, жамиятда қонунни ҳурмат қилиш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, ушбу йўналишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлиги ташкил этилишини муҳим, деб биламиз. Шахсий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «қонунда тақиқланмаган барча нарса мумкин» тамойилини ҳаётга татбиқ этишни таклиф этамиз.

O'zLiDeP Матбуот хизмати.

Биз судлар фаолияти очиқлиги ва ошқоралигининг кучайтирилиши, «электрон ва рақамли суд» концепциясининг амалга оширилиши, судлар томонидан ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботларнинг халқ депутатлари Кенгашларига тақдим этилиши, маҳалла, корхона ва ташкилотларда кўчма суд йиғилишлари ўтказилишини — адолатли суднинг гарови, деб биламиз.

Партия суд тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, адолатли судловдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилган қуйидаги таклифларни илгари суради:
— хусусий мулк дахлсизлигини, тadbirkорлик ва тadbirkорларни ишончли ҳимоялашни таъминлашда судларнинг ролини кучайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкларини бузиш, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини ва хусусий мулк объектларини олиб қўйиш ҳамда тadbirkорлик субъектларига берилган лицензияларни бекор қилиш бўйича қарорларнинг фақат суд томонидан қабул қилиниши, тadbirkорлик субъектларининг давлат органлари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида кўрган зарарлари борасидаги даъволари муддатларини бекор қилиш ва муддатсиз эканини кафолатлаш, шу мақсадда «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

— «Хабес корпус» институтининг қўлланилиши соҳасини янада кенгайтириш, суд мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларини қайта кўриб чиқиб, оптималлаштириш. Прокуратура органларининг суд ҳужжатлари бўйича протест келтириш ваколатларини бекор қилиб, уларни тегишли қарорлар бўйича шикоят қилиш ҳуқуқига алмаштириш, прокуратура ваколатларидан унга хос бўлмаган ва-

зифаларни чиқариб ташлаш, тегишли ваколатларни ижро ҳокимиятига бериш. Прокурорларнинг мақоми, уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалалари, танлаш ва хизмат погоналаридан ўстиришнинг холис мезонлари қонунда аниқ белгиланган бўлиши, ҳокимиятлар бўлинишининг Конституциявий тамойилдан келиб чиқиб Мажбурий ижро бюросини Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига ўтказиш зарур;

— вилоятлар миқёсидаги судларни оптималлаштириш, бирлаштириш, ягона суд райси бўйисини ўтказиш. Хусусан, маъмурий судлар томонидан оммавий, моддий ҳуқуққа оид ишлар ҳам амалда кўриб чиқилаётганини инobatта олиб, уларнинг мақомини қайта кўриб чиқиш;

— суд буйруғи институтини такомиллаштириш, унинг айрим турлари ўрнига судгача ҳал этиш механизмларини жорий этиш ҳамда боқиманда қардорликни суд орқали ундириш масаласи ва механизмларини қайта кўриб чиқиш;

— халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлиги борасидаги конституциявий тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиш, судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидаги тамойиллар ва нормаларнинг кенгроқ қўлланишига эришиш;
— суд тергови институтини такомиллаштириш, Судьялар олий кенгаши ваколатлари ва мақомини қайта кўриб чиқиш, унинг қарор ва ҳулосаларига нисбатан номзодларнинг шикоят қилиш ҳуқуқини назарда тутиш.

Мустақил адвокатура институти
Мақсадимиз — суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш. Тергов ва суднинг барча босқичларида, жинойи, фуқаролик, маъмурий ва ҳў-



Япониялик олим археологик тадқиқот олиб борган Кушон маҳалласида музей ташкил этилади.

Атмосфера мусаффолиги — ҳаёт-мамонт масаласи

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар ўн кишидан тўққиз нафари ифлосланган ҳаводан нафас олади. Бу Ер юзининг 91 фоиз аҳолиси ҳавоси ифлосланган ҳудудларда яшамокда деганидир. Одамлардаги юрак касалликларининг 25 фоизи, шол касаллигининг 24 фоизи, ўпка касалликлари ва ўпка саратонининг 43 фоизи айнан ифлосланган ҳаводан нафас олиш натижасида келиб чиқмоқда. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши нафақат инсон, балки атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.



лим савиясини оширишнинг самарали тизimini яратиш; экологик таълим-тарбия жараёнига масофадан туриб ўқитиш учун ахборот ресурсларини яратишни ўз ичига олган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ёшларнинг экологик таълим-тарбияси масалаларида оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва таълим муассасаларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш.

Аҳолининг экологик маданиятини ошириш вазифасини ҳал этиш учун Ўзбекистон Экологик партияси халқимизнинг доимо табиат ва инсон уй-ғунлигига эришишни таъминлашга интилиш, келгуси авлод учун уни асраб-авайлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан тежамли фойдаланишдек асрий ананалар ва қадриятлардан иборат маданий ҳамда табиий меросга таянишни муҳим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Экологик партияси ушбу вазифаларни давлат органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда бажаради.

Мавжуд экологик муаммоларга жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳолати ҳақида фуқароларнинг ҳаққоний экологик маълумотга эга бўлишини ва тезкор ахборот билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Экологик партияси оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади ҳамда ўзининг босма оммавий ахборот воситаларини, интернет ресурслари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини ташкил этади.

Ўзбекистон Экологик партияси атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида ресурс ва энергия тежовчи экологик тоза технологиялар борасидаги илмий изланишларни ривожлантиришда ташаббускорларни, олим ва мутахассисларни қўллаб-қувватлаган ҳолда фан ва таълим соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимизда экологик маданияти юқори, юксак интеллектуал жамиятнинг шакллантириш учун мустақкам пойдевор бўлади, деб ҳисоблайди.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси раиси ўринбосари



кўрсаткичларини белги-ланган меъёрлар даражасига келтириш ва уларнинг аҳолига салбий таъсирини камайтириш шулар жумласидандир.

Биз аҳолининг, айниқса, ёшларнинг экологик жиҳатдан юксак маънавиятли ва маланиятли бўлиши тарафдоримиз. Партия жамиятда экологик маданият даражасини юксалтириш, мамлакатнинг ноёб табиатини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашда фуқаролик масъулиятини янада ошириш бугунги кунда экологик барқарорликни таъминлаш ва атроф муҳитга салбий техноген ҳамда антропоген таъсирнинг олдини олишни муҳим ва долзарб масалаларидан бири, деб ҳисоблайди.

Ушбу масаланинг ечимини топишда Ўзбекистон Экологик партияси аҳолининг ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик саводхонлигини ошириш, экологик онги ва экологик маданиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишга йўналтирилган ишларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини муҳим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Экологик партияси мазкур йўналишда қуйидагиларга йўналтирилган давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этади:

Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини ҳаётга изчил ва самарали татбиқ этиш;

экология соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари, иқтисодиёт ва бошқарув, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва раҳбар-кадрларини экологик би-

моддалар миқдори қарийб 1,3 баробарга ортган ва 2018 йили 2,442 миллион тонна-ни ташкил этган. Бундан 65 фоиз автомобилотранспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади. Тошкент шаҳрида эса бу кўрсаткич 80 фоизни ташкил этади.

Дарҳақиқат, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ортиб боришини Орол денгизи қуриган тубидан кўтарилаётган чанг ва туз заррачалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиллар сонининг кўпайиши, жойларда қурилиш майдонларида олиб борилаётган жадал ишлар билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Экологик партияси атмосфера ифлосланишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги энг муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблайди;

Биринчидан, кўкаламзорлаштирилган ҳудудларни, айниқса шаҳар ва автомобиль йўллари четида яшил ҳудудларни кенгайтириш. Йирик шаҳарлар атрофида «яшил қалқонлар» ташкил этиш;

Иккинчидан, ёқилғилар сифатини янада яхшилаш ҳамда экологик тоза транспорт воситаларини кўпайтириш, шу жумладан кенг жамоатчилик учун қулай бўлган велойўлакчалар ташкил этиш;

Учинчидан, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида яшил, экологик тоза, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, технолгик ва маънан жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш;

Тўртинчидан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни амалиётга кенг

татбиқ этиш;
Бешинчидан, янги қурилаётган уйлар ва биноларни энергия ва ресурс тежамкор материаллардан фойдаланиб қурилишини таъминлаш;

Олтинчидан, атмосфера ҳавосига ташланмаларни асосий қисmini чиқарувчи кўчма ифлослантирувчи манбаларга нисбатан, доимий манбаларга

қўлланилган иқтисодий механизмларни қўллаш ва буларни тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларида акс эттириш.

Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловолди дастурида ҳам атмосфера ҳавосининг мусаффолигини таъминлашга қаратилган дастурий вазифалари мавжуд. Хусусан, мамлакатимизнинг йирик ва саноати ривожланган шаҳарларида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган углевод, азот бирикмалари, метан ва бошқа газлар чиқарилишини ҳамда чанг миқдорини 1,5 баробар камайтириш орқали атмосфера ҳавосининг сифат



Хусусан, мутахассислар томонидан қайрағоч табиий шароитда 350-400 йил яшаши, шаҳар хиёбонларида 120-220 йил, серкатнов йўллар атрофида эса 40-50 йил яшаши аниқланган. Йирик саноат, металлургия, кимё, кончилик корхоналари атрофида (5 км радиусда) қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилдорлиги 25-30 фоизга, сифат кўрсаткичлари эса 40-50 фоизга камайиши, автомобиль йўл атрофларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари таркибида эса кўрғошин бирикмалари ҳамда айрим кимёвий моддалар руҳсат этилган меъёрдан 5-10 баробарга кўпроқ тўпланиши аниқланган.

Сўнгги йилларда атмосфера ҳавосининг ифлосланишида антропоген таъсирнинг роли кескин ортиб бормоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиллар сонининг кўпайиши атмосферага ташланаётган ташланмалар миқдорининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Таҳлилларга қарасак, 6 йил давомида ишлатилган ўртача автомобиль атмосферага 9 т CO₂, 0,9 т CO, 0,25 т NO_x и 80 кг углеводород чиқарган экан. Автомобиль транспортдан чиқайтган ташланмалар таркибида инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи 200 дан ортиқ моддалар — углевод ва азот оксидлари, углеводородлар, бензопирен, кўрғошин, оғир металллар ва бошқа бирикмалар мавжуд. Ёки шаҳарда 100 мингта автомобиль бир пайтнинг ўзида ҳаракатланса, миллион литр қайноқ сув чиқарадиган энергия билан тенг иссиқлик чиқаради.

Юртимизда 99,5 минг турғун ифлослантирувчи манбага эга 3,5 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда 2,816 миллиондан зиёд кўчма ифлослантирувчи манбалар, яъни автомобилотранспорт воситалари мавжуд.

Атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори 1991 йилдан 2006 йилгача қарийб икки баробарга камайган бўлса, 2010 йилдан 2018 йилгача атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи



Касаба уюшмалари фаолиятининг қонунийлик, ихтиёрийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш каби асосий принциплари белгиланди.

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди

Яккасарой туман Хотин-қизлар кўмитасининг ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан бири аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишдир. Бу борада биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган 189 нафар хотин-қиз билан якка тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш ишлари доимий равишда олиб борилмоқда.

Жумладан, ҳар бир маҳаллада фаолияти йўлга қўйилган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақамлаш бўйича мутахассислар билан айна йўналишда ишларни қандай ташкил этиш бўйича семинарлар ўтказилди.

Яккасарой туманида 2019 йил январь-октябрь охи давомида аёллар иштирокида 43 та жиноят қайд этилиб, бу кўрсаткич ўтган йилгидан 17 тага кўпайган. Жиноят содир этган аёлларни ёши бўйича таҳлил этганимизда 18-30 ёшгача бўлганлар 29 нафарни ташкил этди. 30-60 ёшгача бўлганлар 13, 60 ёшдан катталар 1 нафар қайд этилган. Жиноят турларининг 9 таси фоҳишахона сақлаш, 5 таси ўғирлик, 3 та

қасддан баданга энгил шикаст етказиш, 1 та қасддан баданга тан жароҳати етказиш, 5 та фирибгарлик, 7 та маъмурий назорат қоидаларини бузиш ва 13 та гиёҳванд моддалар олди-соттиси билан шуғулланиш аломатлари кузатишган. Бу жудаям ачинарли ҳол, албатта.

Давра суҳбатларида туман Кенгаш депутати Н.Хусанбоева, «Оила» маркази раҳбари Н.Қодирова, суд раиси Х.Хайитов, судья Т.Қасимов, туман прокурори катта ёрдамчиси С.Саиджонов ва ҳамда МФИ раислари иштирок этиб, ўзларининг тажрибалари асосида фикрларини билдиришди.

Ҳар бир жиноят таҳлили бўйича жиноят содир этган фуқароларнинг доимий яшаш манзилларидаги хотин-қиз-

лар кўмитаси томонидан суҳбат ўтказилиб, профилактик ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, жорий

йилнинг январь-октябрь ойлари мобайнида ҳуқуқбузарлик содир этган ҳар бир хотин-қиз билан алоҳида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди.

Жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган аёллар билан, энг аввало, уларнинг оилавий шароитларини ўрганишда уйма-уй юриш орқали муаммолари аниқланиб, яқиндан ёрдам бериш ишлари йўлга қўйилган. Бунинг натижасида жиноятчиликка мойил бўлган 189 нафар аёлнинг аниқ манзилли рўйхатлари шакллантирилди.

Яккасарой туман ИИБ ҳисобига олинган 16 та нотинч оилада Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний», «Маҳалла», Ёшлар Иттифоқи, «Оила» маркази билан биргалликда тушунтириш тарғибот ишлари олиб борилди.

Туманда оғир турмуш шароитида

яшаётган хотин-қизлар 223 нафар бўлиб, улардан ногиронлиги бўлган 66 нафар, кам таъминланган 27 нафар, меҳнатга лаёқатли банд бўлмаган 170 нафар аёл аниқланган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган уй-жойга муҳтожларнинг ўзи 201 нафарни ташкил этади. 2019 йил ноябрь ойи ҳолатига уларнинг 97 нафари уй-жой билан таъминланди.

Жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган «Йўл харитаси»си ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги 21 та маҳаллада уйма-уй юриш орқали оилалар ўрганилганда, жиноятчиликка мойиллиги бўлган 189, ўз жониға қасд қилишга мойиллиги бўлган 21, меҳнат билан банд бўлмаган, ишсиз хотин-қизлар 401 нафар, шундан оғир турмуш шароитида 21, махсус ҳисобда

турган 11 нафар хотин-қизнинг борлиги ишининг нақалар муҳимлигини англатади. Муаммолари аниқланиб, ҳал этиш чоралари кўрилди.


Уларга туман фаоллари бириктирилиб, назоратга олинди. Нотинч, ноқобил, шароити оғир оилаларга ва жиноятчиликка мойиллиги бўлган хотин-қизларнинг ҳар бирига масъуллар белгиланди.

Махсус ҳисобдан чиқарилган 2 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Хозирги кунда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари, махсус ҳисобдан чиқарилган Рихсинисо Дадамухамедова оиласи учун туманда қуриб битказилган уй-жой ажратилди.

Бундай ишлар, албатта, юртимизнинг барча худудларида олиб борилмоқда, лекин шундай бўлса-да, бу каби тарғиботларни узлуксиз давом эттирмоғимиз лозим. Бу фикрлар Яккасарой туман суди ва ҳокимлиги ҳамкорлигида олиб борилаётган барча тадбирларда айтиб ўтилди.

Ҳеч ким ондан жиноятчи ёки унга мойил бўлиб туғилмайди. Бунга биз ота-оналар ҳамда масъулларнинг эътиборсизлиги, тарбияси сабаб бўлади. Шундай экан, келинг, фарзандимизни одамлар ҳавас қиладиган қилиб тарбиялайлик!

Д.СУЛТОНОВА,
Яккасарой тумани ҳокими
ўринбосари,
Хотин-қизлар
кўмитаси раиси



Мамлакатимиздаги ўрта умумтаълим мактабларида ҳарбий синфлар, айрим худудларда эса нодавлат таълим муассасалари қошида ҳарбий-спорт гуруҳларининг ташкил этилиши кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон фахрий жангчилари ва ногиронлар жамияти ташаббуси билан бундан салкам ўн йил муқаддам Сирларё вилоятининг Гулистон шаҳрида ташкил этилган ҳарбий-спорт гуруҳи айна дамда жамоатчиликнинг эътиборини қозониб улгурди. «Сайхун-Зиё» ниҳоллари нодавлат таълим муассасаси қошида барпо этилган мазкур гуруҳга ҳозирда 100 нафардан зиёд ўқувчи қатнашади. 5, 9-синф ўқувчиларидан иборат гуруҳга мамлакатимизнинг даярли барча вилоятларидан келган ўқувчилар жалб этилган.

Бу ерда қулай шарт-шароит яратилган. Ўқувчилар Гулистон шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида асосий дарсларни ўтиб бўлгач, ўзлари учун ажратилган

Ҳарбий ҳаётга илк қадамлар қўйилди



алоҳида бинода машғулотлар давом этади. Ётоқхона, ошхона, спорт зали, мўъжазгина кутубхона доимий равишда тарбияланувчилар хизматида. Ўқув машғулотлари ўтказиладиган хоналар, машқлар зали ўқувчилар билан гавжум.

Зеро, машғулотлардан кутиладиган асосий мақсад ўқувчиларга дарсдан кейинги бўш вақтларида ҳарбий-спорт йўналишидаги сабоқлари ўргатиш, уларда дастлабки ҳарбий кўникмаларни шакллантириш ва шу аснода Ватан хизматига шай тура оладиган ёшларни чиниқтиришдан иборат. Тажрибали ва малакали устозлар раҳбарлигида муассаса тарбияланувчилари ҳарбий хизмат асосларини ўрга-

нишади. Спортнинг қўл жанги, кураш, от спорти йўналиши бўйича машғулотларда қатнашади. Шунингдек, замонавий компьютердан унумли фойдаланган ҳолда инглиз тили, рус тили фанларини ҳам мукамал ўрганиб боришади.

Шу кунга қадар муассасани 150 нафар ўқувчи тамомлади. Битирувчилардан кўпгаб сержантлар этишиб чиқди. Айримлари ҳарбий билим юртларида, айримлари эса ИИБ академиясида таҳсил олмақда. Демакки, дастлабки самаралар, натижалар чакки эмас.

Тарбияланувчилар ўз устозлари етакчилигида мактаб ва коллежларга, ҳарбий қисмларга ҳам бўлиб туришади. Айниқ-

са, мактабларга бориб, у ерда «Жасорат дарси»нинг ўтказилиши гоёт қизиқариш кечмоқда. Бундан ташқари, жамоанинг ҳарбий қисмларга ташрифи давомида хизмат жараёнлари, ҳарбий техника асослари билан яқиндан таништириб борилди. Баҳорги таътил кунларида эса болалар меҳнат соғломлаштириш оромгоҳларига жалб қилинади.

— Ҳар йили муассасамизга 25 нафарга яқин ўқувчи қабул қиламиз, — дейди муассаса раҳбари, полковник Мадраимов. — Анъанавий равишда қасамёд қилиш масоросимини ўтказиш одат тусига кирган. Ушбу маросимга ота-оналар, жамоатчилик вакилларини ҳам тақлиф этамиз. Шунинг учун бўлса керак, талбирларимизнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Конституция кунини арафасида бўлиб ўтган ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими ҳам унутилмас воқеа бўлди. Тадбир тантанали равишда ҳарбийчасига бошланди. Шундан сўнг му-

Ёшлар — келажагимиз!

ассасага илк бор қабул қилинган 5-синф ўқувчилари ҳарбий қасамёд қабул қилди. Ватанга, юртга содиқ фарзанд, унинг муносиб ҳимоячиси бўлишга тантанали ваъда бердилар.

Талбирда муассасанинг намунали, аълочи ўқувчиларининг ота-оналарига миннатдорлик ёрлиқлари топширилган бўлса, бир гуруҳ ўқувчиларга кичик сержант, катта сержант унвони берилди. Шунингдек, бир гуруҳ ўқувчилар 1, 2, 3-даражали гуруҳ аълочиси нишонига, спорт йўналишидаги фаоллар эса фахрий ёрлик ва медалларга сазовор бўлишди. Демак, катта ҳарбий ҳаётга илк қадамлар қўйилди.

— Бугун жуда хурсандман, — дейди муассаса тарбияланувчиси Мирзасодиқ Мирзахамдамов. — Сержант унвонини олдим. Бу кучинга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди. Бор билим ва маҳоратимни, куч ва иродамни, она Ватанимга, юрт равнақига сафарбар этиб боравераман.

— Набирам кўзимни қувонтирди, — дейди Карима Маллабоева. — У аъло баҳоларга ўқиётгани учун мен маъмуриятнинг миннатдорлик ёрлигини олдим. Барча бувиларга мана шундай хурсандчилик насиб этишини тилайман.

Ашуралӣ БОЙМУРОД



Сув келтирган — элда азиз

Бугун юртимизда баҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Тошкент вилояти Пискент туманида ҳам 2019 йилда салмоқли ишлар амалга оширилди.



97 та назорат қудуқларининг 90 таси ўрнатилди.

«Обод маҳалла» дастури асосида «Навой» МФЙда 8600 метр Д-110 ва Д-63 миллиметрли сув қувурлари келтирилган, ер қазилари олиб борилмоқда. «Вел Строй» МЧЖ қурувчи ташкилоти томонидан монтаж ишлари якунланди. 10 та назорат қудуқлари келтирилган. «Инжинеринг транс сервис» МЧЖ томонидан «Мўминобол» ҳудудида 6200 метр сув қувурлари келтирилган, 6200 метр сув қувури монтаж қилинди. 17 дона назорат қудуқлари, 17 дона қолақча ўрнатилди. 1 дона сув минораси ўрнатиш учун ер қовлаш ишлари тугатилиб, пойдевори бошлаб юборилди.

«Бирлик» МФЙ ҳудудида белгиланган ер қазилари олиб борилмоқда. Сув қувурларини монтаж қилиш ишлари бажарилган. 15 та назорат қудуқлари келтирилган бўлса, шундан 4 таси ўрнатилди. 2 дона резервуар қуриш учун ер қовлаш ишлари тугатилиб пойдевор ишлари бошланган.

Айни пайтда режадаги барча ишлар ўз ниҳоясига етмоқда. Муҳими, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимий назоратда.

Жонибек МИРЗАРАҲИМОВ,
Тошкент вилояти «Сувоқова» ДУК
матбуот хизмати раҳбари

Юк кўтарган юзага чиқади



Йилни ёруғ юз билан якунлаётган Бўка тумани қишлоқ хўжалиги ходимлари қўшалок байрамни нишонлади. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай наволари барчани байрамга чорлади.

Байрамонга ясалган «Баҳор» тўйхонасига деҳқон-фермерлар, ҳудудлардаги муқобил машина трактор паркларининг раҳбарлари, механизаторлар, пилакору ғаллакорлар, сувдан фойдаланиш уюшмаси ишчилари, маҳалла раислари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг илгорлари бирин-кетин кириб келишди.

Тантанали тадбирни туман ҳокими Бектемир Ибрагимов очиб, барчани Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллиги ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимлари куни байрами билан табриклади.

Илгор фермерлар, йиғим-терим от-

рядларига раҳбарлик қилган маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, қишлоқ хўжалиги ходимларининг 84 нафарига телевизор, корхона ва ташкилотларнинг илгорларига эса турли эсдалик совғалари тақдим этилди. Соғлиқни сақлаш, спорт, таълим ва мактабга таълим соҳасидаги илгорлар ҳам тақдирланди.

Эски йилни қандай қузатсанг, янгинини шундай қарши оласан, деган гап бор. Туман аҳли ниҳоясига етаётган йилни ёруғ юз билан якунламоқда. Пилла, ғалла, пахта тайёрлаш режалари бажарилди.

Ҳа, дуолар ижобати меҳнат самарасида. Келгуси йил ҳам меҳнат муваффақиятларига эришиш насиб этсин. Юк кўтарган юзага чиқади. Туман аҳлининг меҳнатлари бесамар кетмади. Эшик қоқиб турган янги йилда ҳам бугунгидай зафарли онлар кўп бўлсин.

Байрам тадбирига эл ардоғидаги санъаткорлар ўзгача файз киритди.

Даврон АҲМАД



сўмлик 89 та объектнинг «Манзилли рўйхати» шакллантирилди. Бугунги кунда ишлар жадал олиб борилиб, шу кунларда ўз ниҳоясига етмоқда.

Жумладан, Пискент шаҳрида «Мўминобол», «Лолаариқ», «Навой», «Ойбек», «Майлобол», «Бирлик», «Бекобол», «Янгиобод», «Митан» МФЙларни боғлаб турувчи 10,8 километр ичимлик сув қувурларини халқалаштириш йўли билан монтаж қилиш режалаштирилган эди. Ҳозирги кунда 10,8 км сув қувурлари монтаж қилинган. Режалаштирилган

«Нон кам бўлса, ҳамманинг егиси келади!»

МАЪЛУМКИ, ЮРТИМИЗДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МАССА-САЛАРИ ЎЗЛАРИНИНГ МАВЖУД ҚУВВАТЛАРИ, МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИ ҲАМДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ТЕСТ СИНОВЛАРИ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ҚАБУЛНИ АМАЛГА ОШИРАДИ ВА КВОТА АЖРАТАДИ.

Жорий йилнинг 22- декабрь санасида Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари номзодлигига сайлов бўлиб ўтишдан хабарингиз бор. Сайловлар олдидан фалонлиқни оширган партиялар бир нечта шиорлар билан халққа юзланмоқда. Буларнинг ичида «Адолат» социал демократик партиясининг «биз квоталарсиз имтихон тарафдоримиз» деган тақлифи кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Интернет саҳифаларида жойлаштирилган хабарларга қараганда ушбу шиорнинг қисқача мазмуни шундай: Олий

таълим муассасаларига киришни оsonлаштириш, олий маълумотлилар сафини кенгайтириш, коррупциянинг олдини олиш мақсадида қабул квотасини бекор қилиш. Давлат гранти асосида ўқишга киролмаган барча абитуриентларга шартнома тўловини тўлаш орқали талаба бўлишига йўл бериш.

Ҳўш, ривожланаётган давлатимизда ҳозирги кунда ушбу тақлифни оммага татбиқ этиш қай даражада тўғри бўлади? Аслида бу тўғрими? Саволларимизга жавоб топиш ниятида таълим тизими билан бевосита боғлиқ кишилар билан суҳбатлашдик.

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ,
ЎЗЖОКУ ректори:

— Бугун Ўзбекистонда олий таълим муассасалари кўп, лекин профессор-ўқитувчилар етарли эмас. Асосий масала ҳаммани ўқишга киргизиш эмас, билимли кадр етиштириш. Ҳозирги кунда саккизта болага битта ўқитувчи талаб даражасидаги ҳолат, бироқ бизда шунча мутахассис йўқ. Талабаларга биттадан парта бўлиши керак, аудитория, ётоқхона, ўқув биноси... Аммо булар ҳам етарли эмас. Квотасиз таълим ҳозир ўзини оқламайди ва бу шиорга шундай ўхшатиш қилиш мумкин: «нон кам бўлса, ҳамманинг егиси келади!»

Энди бу борада фикрни Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида жойлашган «Яйпан педагог» репетитор маркази раҳбари ҳамда ўқитувчиси Муаззамхон Раҳимовдан тинглаймиз:

— Олий таълим бу шунчаки масала эмас, бу кадр масаласи, бу келажак масаласи. Биз ҳамма нарсага моддий томондан ёндашадиган бўлсак, болада пул билан ҳамма нарсага эришса бўлади

Жамоатчилик назорати

деган тасаввур уйғонмайдими? У ўқишга маблағ билан киради, пул билан битиришга уринади, балки битириб ишга жойлашади. Энди у нима қилади? Ўзидан кетган маблағни қайтариб олишга уринади. Бундай тасаввурга эга инсоннинг келажакда коррупцияга йўл қўймаслигига ким қафолат беради? Бундан кўринадики, демак, пули бор ҳамма ўқиши мумкин деганими бу?

Шундай қилиш керакки, инсонларда фақат билимлилар ўқир экан, деган тушунча уйғонсин. Ана шунда халқда ўқишга бўлган интилиш кучаяди. Ўз касбини, ватанини севувчи мутахассислар етишиб чиқади.

Нима деб ўйлайсиз, ушбу шиор механизми олий таълимнинг юксалишига ҳисса қўша оладими? Бу тақлиф шунчаки халқнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, сайловларда ютиш учун қилинган гоями ёки «Адолат» СДП олий таълимнинг ҳозирги қабул тизimini адолатсиз, деб баҳолайдими? Партия вакилларига ҳурматини сақлаган ҳолда бу масалада хулоса чиқаришни ўзингизга қолдираемиз.

Мақсад ОБИДЖОН,
ЎЗЖОКУ талабаси



«Отани яхши кўрмаган фарзанд, фарзандми?»

Эски шаҳардаги
этикдўзлар ти-
зилиб ўтирган
йўлакдан ўтиб бо-
рардим.

— Тоға пойабза-
лингизни тикиб
берайми?

Ўтирилдим. Ён тарафда 13-14
ёшлардаги ўсмир оёғимга қараб
турарди.

— Ботинкамнинг ночорлиги-
ни қандай сездинг? — Ажаблан-
ниб сўз қотдим.

Болақай дув қизариб кетди.

— Шимингизнинг
пойчаси кўтарилиб
қопти, шундан...

— Ҳай, майли-ю,
эплай олармиксан?

У орқасидаги ёғоч ўриндиқ-
ни ёнига сурди.

— Ўтирволдинг, тоға!

Ботинкамнинг ҳалқаси узи-
либ кетганди. Ўсмир оёғим
остиға қалин қоғоз қўйиб, ўзи
ишга уннаб кетди.

— Ота-онанг борми? — бола-
қайни сўроққа тутдим.

— Бор, — деди суҳбатдошим
хушламайгина. Унинг ҳолати
қизиқишимни орттирди.

— Нима, улар билан хафа-
лашдингми?

У пойабзалдан бош кўтармай:
— Йўғ-е, ҳеч жаҳонда ота-
ондан аразлаб бўларканми, —
деди.

— Айтдим-қўйдим-да...

Мен уни кузатишда давом эт-
дим. Ёш қосиб ҳаракати чаққон,
қўли енгил эди. У бир зумда тас-
мани янгилади. Кейин таг чарми
очилиб қолганини кўриб, савол
назари билан қаради.

— Янгисидан қўйиб берайми?

— Бошқа чораси йўқ-ку, —

дедим кулиб.

У темир сандиқчасидан таг



чарм олиб, майда мих билан бо-
тинкамга қоқа бошлади.

— Бояги саволингизга жавоб
бермаганимга хафа бўлмадин-
гизми, тоға — деди мўъжазгина
болғасини енгил ураркан.

— Нега энди, лозим топсанг
жавоб берардинг-да.

У бироз тин олиб, ер остидан
нигоҳ ташлади.

— Онам аразлаб кетиб қолди.
Дадам бошқасига уйланди.

— Демак, сен онанг билан...

— Йўқ, мен отам билан қол-
дим.

— Қизиқ-ку. Бу ҳолатлар-
да болалар онасини ёлғизлатиб
қўйишмасди...

— Ахир, онамнинг ўзи отам-
ни ёлғиз ташлаб кетди-ку.

Онамнинг авлоди балават. Ам-
мамнинг турмуши бузилиб, биз-
никига келиб қолганди. Онам
уларни оғир олди. Дадам эса
опасидан воз кечолмади. Шўр-
ликка қийин...

— Онангга-чи, онангга ачин-
майсанми?

— Нега ачинмас эканман.

Бироқ айб ўзида, бироз чиласа,

аммамга янги уй қуриб берар-
дик. Аммо қаноат қилмади-да.

— Онанг ёлғиз қолибди-да?

— Йўқ, акам, опам бор.

Очиғи, онам тижорат билан
шуғулланади, топиш-тутиши
яхши.

— Сен нега онанг билан кет-
мадинг?

Суҳбатдошим сукутга чўм-
ди... Садаф каби териб қоқил-
ган михлардан бири қай-
рилиб кетганди. Омбур
билан сугуриб, бошқаси-
ни михлади.

— Мана, тоға, яна
самиди уч йилга етади.

— Ўнди чап оёғингиздагини
ҳам кўриб қўй.

У бунисига ҳам янги тагчарм
қоллади. Қулфи-дили очилди-
ми, ҳар қалай тиш ёрди.

— Менсиз отам қийналиб қо-
ларди...

— Барибир, рўзгор қуриб-
ди-ку.

— Шундай. Аммо мени бош-
қача кўради.

— Сен-чи?

— Қизиқ савол бердингиз-ку.

Отани яхши кўрмаган фарзанд,
фарзандми?

— Она меҳри-чи? У ёқда
онанг ҳам ўз ёғига қоврилайтган-
дир?

— У киши шунга танлади.

Ниятига етди.

— Бу гапларинг ноўрин. Ҳеч
ким ёлғизликни ёқтирмайди.

— Билмадим. Ёлғизликни
хоҳламаган одам кўпчиликка
чилани керакми? Сиз ўйланган,
онасини хурмат қилмас экан,
деб. Аксинча, жуда соғинаман,
тез-тез кўргани бораман. Бора-
ман-у, нуқул саводдан, пулдан,
тижоратдан гапирариб, хун
қилиб юборарди.

— Даданг-чи?

— Дадамнинг феъли
кенг. Ўзи киймас ҳам мен-
га, аммамнинг болаларига
кийдиради, оғиздагини узиб
беради, «Қанча топдинг, бу-
гун тушум нега оз?», дегани-
ни эшитмаганман. Дадам
жуда яхши одам.

Бола қалбининг но-
зик торларига тегиб қўйга-
нимдан унинг дил қулфи
очилганди. Мен эса хаёлга
берилгандим. Ўсмир ҳола-
тимни сезди.

— Тоға, ўзингиз қаерда
ишлайсиз?

— Мен рассомман, сурат
чизаман.

У ялғ этиб менга қаради.

Кўзларидан олов сачради.

— Ростданми? Унда сиз
ҳам роса пул топар экан-
сиз-да.

— Йўғ-е, мазаси йўқ. Ти-
риқчиликка зўрга етиб ту-
рибди.

Боядан буён тинмаётган
болғача даъфатан тўхтади.
Йигитча ийманибгина мен-
га қаради.

— Бир гап айтмайми, тоға?

— Айтавер, болам, ахир
гаплашиб ўтирибмиз-да.

— Хафа бўлманг-у, отам-
нинг айтишича, кимки
қасбини хурмат қилмаса,
ундан нолиса, косаси оқар-
мас экан. Аксинча, хунарни
хорламаган, ишга меҳр
билан киришган одамнинг
ҳаёти яхшилиниб кетаркан.

Сиз ҳам касбингиздан ноли-
манг, тоға...

Болақайнинг катталар-
га хос тараф фикри руҳим-
ни кўтариш, далла бериш
учун айтилган бўлса-да, гўё
ботинка ўрнига мени ўрин-
диққа михлагандай туюл-
ди...

Абдумул АБДУЛЛАЕВ

**Шу кунларда юртимизда сайловолди жа-
раёнлари авжида. 5 та сиёсий партия томони-
дан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ
депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгаши
депутатлигига номзодлар сайловчилар билан
учрашмоқда.**

Сайлов округи ва участкала-
рида номзодлар ва сиёсий пар-
тияларга сайловчилар билан
учрашувлар ўтказиш учун тенг
шароит яратилган.

10 декабрь. Пой-
тахтадаги 250-мак-
таб, 16-сайлов округи
809-сайлов участкасига
соат 10:00 да етиб бор-
дик. Сайловчилар секин-аста
зални тўлдирди. На одамлар
гавжум жойда, на мактабда ту-
ман Кенгаши депутатлигига
номзодларнинг плакатлари,
дастурлари кўринди.

Соат 11:00 да биринчилар-
дан Ўзбекистон Экология пар-
тиясидан кўрсатилган номзод

Гулсанам Алихонова, иккинчи
бўлиб Миллий тикланиш пар-
тияси номзоди Асқарбек Со-
биров, кейин Ўзбекистон Ле-
бирал демократик партияси

Номзодлар учрашувга келмади!

вакили Насиба Маҳмудованинг
ишончли вакили номзодлар-
нинг таржимаи ҳоли, уларнинг
бугунги ҳаётдаги ўрни, қилаёт-
ган ишлари билан таништирди.

Ўзбекистон халқ демократик
партиясидан кўрсатилган ном-
зод Отабек Алимўхамедов,
«Адолат» партиясидан Дилдора

Каримова учрашувга келмади.

Гулсанам Алихонова сайлов-
олди дастурининг регламентига
амал қилиб, қисқа ва равои ту-
шунтирди. Асқарбек Собиров 3
қоғозли дастурни ўқийётганда,
ўтирганлар ундан халқчил му-
аммолар ҳақида гапирганини
ва регламентга амал қилишини
сўради. Насиба Маҳмудова ши-
фокор — унга шу ҳудуддан ари-
за тушмаганини ва уни сайлаш-
са, кўчаларни асфальт қилиб
беришда амалий ёрдам кўрса-

фатида уларга савол бердик.
Гулсанам Алихонова биз берган
саволга жавоб дастурида борли-
гини ва уни яна қайта ишлаш
кераклигини айтди. Асқарбек
Собиров эса бераётган жавоби-
дан ўзи ҳам қониқмаётганини
биланиб турди. Шифокорга нима
ҳам дердик...

Беш нафар номзодга халқ
биринчи учрашувдаёқ баҳо бе-
риб бўлди.

Журналистлигим учун бўлса
керак, мендан нега 2 та партия
номзодлари қат-
нашмаётганини
сўрашди. Ҳақ-
ли савол туғилди.
Нима сабабдан

Отабек Алихонов ва Дилдора
Каримова сайловолди учра-
шувларига келмади? Улар сай-
ловчилар билан учрашишдан
чўчишимиз ёки уларга айтали-
ган фикр-мулоҳазалари йўқми?

Даврон АҲМАД

Б-ХАВО	
13 декабрь	+9°C
14 декабрь	+3°C
15 декабрь	+4°C
16 декабрь	+6°C
17 декабрь	+8°C
18 декабрь	+6°C
19 декабрь	+7°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Мулассислар:

Фуқаролик жамиятини ривожлан-
тириш маркази.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат бош-
қаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Мустақил босма
оммавий ахборот воситалари ва
ахборот агентликларини қўллаб-
қувватлаш ва ривожлантириш жамоат
фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар
ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-де-
мократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Республикаси Эколо-
гия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданоное
общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Рустам Комилов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятнинг компью-
тер бўлимида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ак-
циядорлик компанияси босмахо-
насида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1214 Ада-
ди: 1403.

Жума куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2
босма табоқ. Баҳоси келишилган
нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот
ва ахборот агентлигида 2006 йил
0010-рақам билан рўйхатга олин-
ган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуот-
чилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131

«ЖАМИЯТ»дан олинган маълум-
отларда манба сифатида газета
номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА яқуни:
Топширилган вақти: 21:45

1 2 3 4 6

